

*Жарасбаев Нуркелди Абдурашидўгли*  
*“Ўзбек тилишунослиги” кафедраси ўқитувчиси*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТИЗИМИ – PISA**

**Аннотация:** PISA халқаро баҳолаш тизиминдан фойдаланишнинг яна бир асосий муҳим жиҳатларидан бири бу ўқувчиларнинг саводхонлиги ҳамда билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** PISA, PIRLS, TIMSS, ўқувчи, саводхонлик, таълим сифати, халқаро баҳолаш, мантиқий фикрлаш.

*Jarasbaev Nurkeldi Abdurashidoglu*

*Teacher of the Department of Uzbek Linguistics*

*Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region*

## **INTERNATIONAL EVALUATION SYSTEM IN UZBEKISTAN - RISA**

**Annotation:** Another important aspect of using the PISA international assessment system is to develop students' literacy and ability to apply their knowledge in practice.

**Keywords:** PISA, PIRLS, TIMSS, reader, literacy, quality of education, international assessment, logical thinking

PISA халқаро баҳолаш тизими ҳақида кўпроқ билиш истаги тўғилади. Биз бу иборага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида дуч келгандик. Мазкур ҳужжатда Вазирлар Маҳкамасининг ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказини ташкил этишга қарор қилиниб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб таълим

тизимда ўқиш, қозоқ тили ва адабиёти йўналишидаги фанлардан саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш; таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш; умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлиш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро баҳолаш дастурларида қайд этган натижаларини бошқа давлатлар натижалари билан қийёсий таққослаш белгиланди.

Ўз навбатида келгусида мамлакатимиз таълим сифатини баҳолаш бўйича кўйидаги халқаро тадқиқотларида иштирок этиши кўзда тутилди:

- PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) – бошланғич 4-синф ўқувчиларининг матнни ўқиш ва тушиниш даражасини баҳолаш;

- TIMSS (Trends in International Mathematics and Science Study) – 4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий йўналишидаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш;

- PISA (The Programme for International Student Assessment) – 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий фанлар йўналишидаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш;

- TALIS (The Teaching and Learning International Survey) – умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари ва ўқитувчилари билан сўровнома ўтказиш орқали мактабда ўқитиш ва таълим олиш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш.

Қайд этиш лозим, мамлакатимиз таълим муассасалари PISA халқаро тадқиқотларида 2021 йилда илк маротаба иштирок этади.

Бундан кўзланган асосий мақсад – дунё бўйлаб таълим тизими самарадорлигини 15 ёшли ўқувчи-ёшлар 3 йўналишда (ўқиш, математика, ва табиий фанлари бўйича) саводхонлигига, уларнинг ижодий ва танқидий фикрлашига, олган билимларини ҳаётда қўллаш олиш қобилиятларига баҳо бериш ва кейинчалик бу кўникмаларни ҳосил қилишга ундашдан иборат.

2018 йилда PISA дастурида Иқтисодий ҳамкорлик ва тарққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо 35 мамлакат, аъзо бўлмаган 43 та, жами 78 мамлакат ва шаҳарлар иштирок этган. Ҳар бир давлатдан иштирок этувчи ўқувчилар сони мамлакатдаги жами 15 ёшли ўқувчи-ёшларнинг 2 фоизи миқдорида сайланма тарзда шакллантирилади. Шундан келиб чиқилганда ҳар бир давлатдан 4500 нафардан 10 минг нафаргача ўқувчи иштирок этган. Собиқ иттифоқ мамлакатларидан Россия, Латвия, Литвия, Эстония, Қирғизистон, Қозоғистон қатнашди. Улар орасидаги энг яхши кўрсаткич эстониялик ўқувчиларга тегишли, гарчи мазкур мамлакат ёшлари илк маротаба иштирок қилган 2006 йилда 516 балл жамғариб, 11-ўринни эгаллаган бўлса да, 2015 йилда бу кўрсаткич тегишли тартиба 534 балл ва учинчи ўринга кўтарилди.

Маълум бўлдики, 2015 йилги тадқиқотлардан кейин дунё бўйича биринчи, иккинчи ва тўртинчи ўринларни қитъадошларимиз – Сингапур, Япония ва Хитой Тайпейи ўқувчи-ёшлари эгаллаган. PISA халқаро баҳолаш дастури тестлари уч йилда бир маротаба ўтказилиб, ўқувчилар билими учта асосий йўналиш бўйича, 1000 баллик тизимда баҳоланади. Ҳар галги мониторинг жараёнида юқорида саналган учта йўналишдан бирига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, 2000 йилда тадқиқотнинг асосий йўналиши ўқиш саводхонлигига, 2003 йил математик саводхонликка, 2006 эса табиий фанлар саводхонлига қаратилган. Бу ҳолат даврий такрор бўлишини инобатга олганда, 2021 йил асосий фан қилиб математика танланиши аён бўлади. Тест саволлари дастурга аъзо

мамлакатларнинг мутахасислари билан келишилган ҳолда халқаро консултантлар гуруҳи томонидан тузилади.

PISA дасурида мантиқий фикрлаш асосий ўрнига кўтарилади. Масалан, ўқувчи матнда “айлана” сўзига дуч келинмаса да, айнан мазкур объект ҳақида сўз бораётганини англаб етиши лозим. Демак, биринчи навбатда математика дарсликларини ўқувчи мантиқий фикрлашига ундайдиган масалалар билан бойитиш вазифаси юзага келади.

Дастурни Австралия педагогик тадқиқотлар кенгаши, Нидерландия миллий педагогика институти. АҚШнинг Вестат ва педагогик тест хизматлари, шунингдек, Япониянинг таълим соҳасидаги тақиқотдлар миллий институти ҳамкорликда ўтказди.

PISA халқаро баҳолаш тизиминдан фойдаланишнинг яна бир асосий муҳим жиҳатларидан бири бу ўқувчиларнинг саводхонлиги ҳамда билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш, 15 ёшли болаларнинг билим даражаси миқдорий кўрсаткичини адолатли аниқлаш ва халқаро миқёс билан солиштириш ҳамда интеллектуал салоҳияти янада оширишга хизмат қилади.

### **Адабиётлар руйхати**

1. Аметовна, Ю. Т., & Назаровна, К. Х. (2020). Применение интеграции при обучении русскому языку в национальных группах. Суз санъати, (3).
2. Yuldasheva, T., & Kadirova, K. (2020). Teaching Russian with Innovative Approach. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(7).
3. Юлдашева, Т. А. (2021). МЕТОДЫ ИССЛЕДОВАНИЯ В МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА. Academic research in educational sciences, 2(2).
4. Ametovna, Y. T. (2021). FEATURES OF THE METHODOLOGY OF TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN UNIVERSITY. International Engineering Journal for Research & Development, 6(ICDSIIL), 3-3.
5. Yuldasheva, T. A. (2020). BOSHLANG ‘ICH SINFDA IZOHLI O ‘QISH JARAYONINI QO ‘LLASH. Science and Education, 1(Special Issue 2)

6. Юлдашева, Т. А. (2021). ВИДЫ КОММУНИКАЦИИ И КОММУНИКАТИВНЫЕ БАРЬЕРЫ В МЕЖКУЛЬТУРНОМ ОБЩЕНИИ СТУДЕНТОВ ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУПП. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 2(4), 2027-2030.

7. Yuldasheva, T. A., Begimova, A. (2022). The Role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in our Free and Prosperous Life. *International Journal Of Multidisciplinary Research In Science, Engineering and Technology*, 5(2), 15-22.

8. Ametovna, Y. T. (2021). INTERCULTURAL COMMUNICATION: ESSENCE, OBJECT, HISTORY. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(05), 109-111.

9. Юлдашева, Т. А., & Калдибекова, К. (2021). АКТИВНЫЕ МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В ШКОЛЕ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(11), 1427-1434.

10. Юлдашева, Т. А., & Очилова, А. (2021). ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ К ГРАЖДАНСКОПАТРИОТИЧЕСКОМУ ВОСПИТАНИЮ. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(11), 1443-1447.

11. ЮЛДАШЕВА, Т. А. (2021). ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА В ИНОЯЗЫЧНЫХ ГРУППАХ. *Экономика и социум*, 11(90), 1148-1152.

12. ЮЛДАШЕВА, Т. А. (2021). РУССКИЙ ЯЗЫК В ШКОЛЕ И В ВУЗЕ: ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ И ПРЕПОДАВАНИЯ. *Экономика и социум*, 9(88), 1015-1021.

13. Юлдашева, Т. (2021). ВИДЫ КЛАСТЕРОВ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ НА УРОКЕ. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 2(7), 308-314

14. Юлдашева, Т. (2021). СОВРЕМЕННЫЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(7), 386-393.

15. ЮЛДАШЕВА, Т. А. (2021). РУССКИЙ ЯЗЫК В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА В НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУППАХ. *Academic research in educational sciences 2(CSPI conference 2)*, 128-132.

16. Юлдашева, Т. А. (2021). Обучение языковой коммуникации на русском языке. *Экономика и социум*, 3(2), 593-596.

17. Юлдашева, Т. А. (2021). МЕЖКУЛЬТУРНАЯ КОММУНИКАЦИЯ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ: СОЦИОКУЛЬТУРНЫЙ ПОДХОД. *Экономика и социум*, 6(2), 849-853.